



ДАВЛАТЛАРАРО СУВ ХҮЖАЛИГИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ  
ИЛМИЙ-АХБОРУТ МАРКАЗИ

СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ  
УЮШМАЛАРИДА СУВ ЎЛЧАШ  
ГИДРОПОСТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ  
бўйича  
**ҚЎЛЛАНМА**



**Сув истеъмолчилари уюшмаларида сув ўлчаш гидропостларини ташкил қилиш бўйича қўлланма / Р.Масумов, С.Маматов. – Тошкент: 2017. - 27 б.**

Қўлланмада сув истеъмолчилари уюшмаларида етказиб берилган сувнинг ҳисобини юритиш учун сув ўлчаш ишларини, хусусан, сув еткзиб бериш нуқталарида гидропостларни ташкил қилиш, уларни жиҳозлаш учун сув ўлчаш воситаларини танлаш, юпқа деворли водосливлар, “САНИИРИ нови” ва ўзгармас ўзан типидаги гидропостларни қуришнинг ўзига хос жиҳатлари, янгидан ташкил қилинган гидропостларда сув ўлчаш воситаларини градуировкалаш ва аттестациядан ўтказиш тартиблари ёритилган.

Қўлланма Давлатлараро Сув хўжалигини Мувофиқлаштириш Комиссияси Илмий ахборот маркази (НИЦ МКВК) томонидан олиб борилаётган таҳлилий-тадқиқотлар натижаси сифатида тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги Бош бошқармаси томонидан сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида фойдаланиш учун тавсия қилинган.

Қўлланма қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари мутахассислари, сув истеъмолчилари уюшмалари гидрометрлари ва гидротехниклари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, шунингдек, соҳа йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва муаммо билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Қўлланмани тайёрлашда ТИҚҲММИ қошидаги ИСМИТИ ишланмалари, хусусан институт ходими У. Расулов ишланмаларидан фойдаланилди. Бунинг учун муаллифлар У. Расуловга ўз миннатдорчилгини билдирадилар.

Рецензент: Ибрагимов И. - ТИҚҲММИ қошидаги ИСМИТИ катта илмий ходими

© Давлатлараро Сув хўжалигини Мувофиқлаштириш Комиссияси Илмий ахборот маркази (НИЦ МКВК), 2017 йил

## **1. Сув етказиб бериш тармоғида ташкил қилинадиган гидропостда ўрнатиладиган сув ўлчаш воситасини танлаш**

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳар бир аъзосига сувни ўлчангандар тарзда етказиб берилиши тавсия қилинади.

Сув истеъмолчисига етказиб берилаётган сувнинг сарфини одатда уюшма тасарруфидаги каналдан истеъмолчига сув чиқариб бериладиган нуқтада ўлчанади.

Бунинг учун сув чиқариш нуқтаси махсус сув ўлчаш воситаси билан жиҳозланади.

Сув ўлчаш воситаси билан жиҳозланган иншоот гидропост дебномланади ва у махсус рўйхатдан ўтказилади.

Гидропостда ўлчангандар сув сарфи тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиш учун махсус журнал юритилади. Журналда қайд қилинган маълумотлар истеъмолчига етказиб берилган сув миқдори тўғрисида ҳисоб юритиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Гидропостда ўрнатиладиган сув ўлчаш воситасининг тури гидропост жойининг рельефи (текис ёки нишаблиги), ўлчанадиган сувнинг тахминий сарфи, сув оқимининг бир текислиги ва лойқа оқиши каби ҳолатларни ҳисобга олиш асосида танланади (1-жадвал).

1-жадвал - Гидропостда ўрнатиладиган сув ўлчаш воситасини танлаш

Нишаблик ва сув оқимининг ҳолати	Сувнинг таркиби	Сув сарфи, Q, м <sup>3</sup> /с	
		< 0,5	0,5 ÷ 1,0
Нишаблик - катта ва ўртача, сув оқими - барқарор	Сувдаги оқизиқлар миқдори 1,0 кг/м <sup>3</sup> дан паст	ЮДВ, СН, СО, йў	СН, СО, йў
	Сувдаги оқизиқлар миқдори 1,0 кг/м <sup>3</sup> дан юқори	СН, СО, йў	СН, СО, йў
Нишаблик - ўртача ва кичик, сув оқими – беқарор	Сувдаги оқизиқлар миқдори 1,0 кг/м <sup>3</sup> дан паст	СҚ, йў	СҚ, йў
	Сувдаги оқизиқлар миқдори 1,0 кг/м <sup>3</sup> дан юқори	йў	йў

Шартли қисқартмалар:

ЮДВ – Юпқа деворли водослив (Томсон (ТВ), Чиполетти (ЧВ), Иванов (ИВ))

СН – САНИИРИ сув ўлчаш нови; СО – САНИИРИ сув ўлчаш остонаси;

СҚ – САНИИРИ сув ўлчаш қопламаси; йў – ўзгармас ўзан


## 2. Юпқа деворли водослив күринишидаги гидропост

Томсон, Чиполетти ва Иванов юпқа деворли водосливлари, САНИИРИ сув үлчаш нови ва остонаси каби воситалар стандарт сув үлчаш қурилмалари ҳисобланадилар.

Мазкур қурилмалар сув сарфини үлчаш учун градуировкани талаб қилмайды ва улар амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига түлиқ жавоб беради. Уларнинг аксарияти халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан рўйхатга киритилган. Масалан, САНИИРИ сув үлчаш нови ISO: 9826 рақами билан халқаро стандартлаштириш ташкилоти рўйхатига киритилган.

### Томсон водосливи


Томсон водосливи (ТВ) 0,8 дан 44 л/с гача сув сарфини үлчашга мўлжалланган. Водосливнинг сув ўтадиган қисми  $90^{\circ}$ ли бурчак күринишида, қалинлиги 2,5-4,0 мм бўлган яssi темир ҳамда маҳкамлаш уголокларидан ясалади (1-расм).



1-расм – Томсон водосливи асосидаги гидропост

## Чиполетти водосливи

Чиполетти водосливи юпқа деворли, ён томондаги қиялиги 1:4 бўлган трапециясимон водослив ҳисобланади ва қалинлиги 3-4 мм бўлган ясси темир ҳамда маҳкамлаш уголокларидан ясалади. Чиполетти водосливи сув ўтказгич қисми тубининг кенглигиги (b) 25, 50, 75 см катталикда тайёрланиши мумкин ва улар турли сарфдаги сувни ўлчашга, масалан «ЧВ-50» водосливи 5 л/с дан 82 л/с гача, «ЧВ-75» водосливи эса 16 л/с дан 225 л/с гача сув сарфини ўлчаш учун қўлланилади. «ЧВ-50» водосливи остонасининг ўлчами  $\pm 2\text{-}3$  мм, қолган ўлчамлари  $\pm 5\text{-}10$  мм, «ЧВ-75» водосливи остонасининг ўлчами  $\pm 5$  мм, қолган қисмлари ўлчамлари  $\pm 10$  мм аниқликда ясалади (2-расм).




2-расм – Чиполетти водосливи асосидаги гидропост

## Иванов водосливи

Иванов водосливи юпқа деворли, иккала ён қирраси тик чизикқа нисбатан  $45^\circ$  бурчак остида (яъни, ён қирраларининг қиялиги 1:1 нисбатда) симметрик трапеция шаклида қалинлиги 3-5 мм бўлган ясси темирдан ясалади. Иванов водосливи остонасининг кенглигиги (b)

ўлчанадиган сувнинг сарфига боғлиқ равишида 25 ёки 50 см катталикларда тайёрланиши мумкин (3-расм).




3-расм – Иванов водосливининг схематик кўриниши

### Юпқа деворли водосливларни ўрнатиш

Водосливни ўрнатишида унинг тик ўқини каналдаги сув оқимининг бўйлама ўқига мос тушишига алоҳида эътибор қаратилади.

Водосливнинг девори тик ҳамда каналнинг бўйлама ўқига кўндаланг, остонаси - горизонтал, отметкаси каналдаги сув сатҳининг энг катта қийматидан 5 – 6 см юқорида бўлиши лозим (4-расм).



4-расм - Юпқа деворли водосливни ўрнатиш схемаси

Белгилашлар:

$H_k$  – водосливга кирувчи сув оқимининг димланган сатҳи;

$H$  – водослив остонасидаги сув оқимининг сатҳи;

$p$  - водослив остонасининг баландлиги (нол нуқта сатҳи);

$t$  - водослив деворининг қалинлиги;

$h$  – водосливдан қийидаги сув оқимининг сатҳи;

$h_3$  - водослив остонаси ва қуйи оқимдаги сув сатҳи орасидаги фарқ.

## **Юпқа деворли водосливларни ўрнатишда қўйиладиган талаблар**

- каналнинг водослив ўрнатиладиган қисми тўғри, кўндаланг кесими симметрик ва үзунлиги  $L = (6 \div 10) * b$  дан кам бўлмаслиги лозим;
- водосливни каналдаги танланган қисмнинг ўртасига, олдиндан тайёрланган ўзанга кўндаланг равишида тик ҳолатда ўрнатилади;
- водослив ўқи канал ўқига мос, водослив остонаси қатъян горизонтал ҳолатда ўрнатилади;
- сув сатҳини ўлчаш рейкасининг ноли водослив остонасининг белгиси (отметкаси) билан бир хил баландликда ўрнатилади;
- водослив остонасининг баландлиги ( $P$ ) пастки бъефдаги сувнинг максимал сатҳидан ( $h$ ) баландда бўлиши шарт.

### **Юпқа деворли водосливлар ёрдамида сув сарфини ўлчаш**

Юпқа деворли водосливдан оқиб ўтаётган сувнинг сарфи ( $Q$ , л/с) водослив остонасидаги сув сатҳининг ўлчанадиган қиймати ( $H$ , см) асосида аниқланади.

Водосливдан ўтувчи сувнинг сарфи водослив турига қараб қўйидаги тенгликлар ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Томсон водосливи} \quad Q = 1,4H^2 \sqrt{H}$$

$$\text{Чиполетти водосливи} \quad Q = 1,9bH \sqrt{H}$$

$$\text{Иванов водосливи} \quad Q = \frac{1,9bH}{0,25H \sqrt{H}}$$

Бу ерда:  $b$  - водослив остонасининг кенглиги (ТВ учун  $b=0$ );

$H$  – водослив остонасидаги сув оқимининг сатҳи.

Юпқа деворли водосливдан ўтаётган сувнинг сарфини осон аниқлаш учун юқоридаги тенгликлар асосида аввалдан ҳисоблаб тузилган жадваллардан фойдаланилади.

Жадвалларда водосливларнинг турлари бўйича сув сатҳини ўлчаш рейкаси кўрсаткичларига мос келувчи сув сарфларининг қийматлари келтирилади (2-жадвал).

2- жадвал - Юпқа деворли водосливларнинг сув сатҳини ўлчаш  
рейкалари кўрсаткичларига мос келувчи сув сарфлари қийматлари

Рейка	Сув сарфи, л/с			
	Н, см	ТВ	ЧВ-50	ЧВ-75
3,0	-	5	-	2,8
3,5	-	6	-	5,0
4,0	-	7	-	7,0
4,5	-	9	-	11
5,0	0,8	10	16	15
5,5	0,9	12	18	19
6,0	1,3	14	21	24
6,5	1,5	16	23	29
7,0	1,8	18	26	34
7,5	2,1	20	30	40
8,0	2,5	22	33	46
8,5	2,9	24	36	52
9,0	3,3	26	39	60
9,5	3,9	28	42	67
10,0	4,5	30	46	74
10,5	5,0	32	49	82
11,0	5,6	35	52	90
11,5	6,2	37	55	99
12,0	7,0	40	59	108
12,5	7,7	42	63	
13,0	8,5	44	66	
13,5	9,3	47	70	
14,0	10	50	74	
14,5	11	52	78	
15,0	12	55	82	
15,5	13	58	86	
16,0	14	61	90	

Рейка	Сув сарфи, л/с		
Н, см	ТВ	ЧВ-50	ЧВ-75
16,5	15	64	94
17,0	17	67	98
17,5	18	70	103
18,0	19	73	108
18,5	20	76	114
19,0	22	79	120
19,5	23	82	124
20,0	25	85	128
20,5	26		132
21,0	28		136
21,5	30		140
22,0	32		145
22,5	33		150
23,0	36		154
23,5	38		160
24,0	40		166
24,5	42		170
25,0	44		175
25,5			180
26,0			186
26,5			191
27,0			197
27,5			202
28,0			208
28,5			214
29,0			220
29,5			225

Сув сарфини ўлчаш аниқлигини таъминлаш учун каналнинг юпқа  
деворли водослив ўрнатилган нуқтаси юқори бъефидаги лойқани  
доимий тозалаб туриш, пастки бъефда водослив остонасини сув  
босмаслиги, водосливни ҳар йили камида бир марта таъмирлаш  
талаб қилинади.

### **3. “САНИИРИ нови” асосидаги гидропост**

САНИИРИ сув ўлчаш нови (“САНИИРИ нови”) – туби горизонтал, икки ён деворлари тик ва қўйи бъеф томони бир-бирига яқинлашиб борувчи қисқартирилган новли иншоотдан иборат.

Нов остонасининг канал тубидан баланд бўлиши талаб қилинмайди. Сув сатҳини ўлчаш рейкаси новнинг олд томонидаги деворга маҳкамланади ва рейканинг “ноль” белгиси нов остонасининг белгиси билан бир хил баландликда бўлиши шарт. Иншоотнинг қўйи бъефида сув оқимини тинчлантирувчи чуқурча кўзда тутилади (5-расм).



*5 – расм - “САНИИРИ нови” асосидаги гидропост*

“САНИИРИ нови” ни ўрнатиладиган жойида маҳсус металл қолипга бетон қуийб тайёрланади (6- расм).



*6 – расм - “САНИИРИ нови” сув ўлчаш қурилмасининг қолипи*


“САНИИРИ нови”ни ясаш ва ўрнатишда қўйидаги қоидаларга амал қилиш талаб қилинади:

- ❖ “САНИИРИ нови” сув кирадиган томони марказининг канал ўқига нисбатан силжиши, канал эни  $B_k \leq 50$  см бўлганда 5 мм дан,  $B_k \leq 150$  см да – 10 мм дан,  $B_k > 150$  см да – 15 мм дан ошмаслиги;
- ❖ “САНИИРИ нови” ён деворларининг оғиши девор баландлигининг ҳар 1 метрига 2 мм дан ошмаслиги;
- ❖ “САНИИРИ нови” кириш қисмининг остонаси қатъий равишда тик (горизонтал) бўлиши керак, бунда хатолик “САНИИРИ нови”нинг ҳар 1 м узунлигига 1 мм дан ошмаслиги лозим.


“САНИИРИ нови”нинг амалда қўлланиладиган геометрик ўлчамлари ва уларга мос келувчи сув сарфи қийматлари 3- жадвалда акс эттирилган.

3 – жадвал - “САНИИРИ нови”нинг геометрик ўлчамлари ва сув сарфи қийматлари

Нов ўлчамлари	Нов чиқиш қисмининг кенглиги ( $b$ ), м							
	0,2	0,3	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8	1,0
Нов кириш қисмининг эни $B=1,76 b$ , м	0,34	0,51	0,68	0,85	1,02	1,19	1,36	1,76
Новнинг узунлиги $L=2b$ , м	0,4	0,6	0,8	1,0	1,2	1,4	1,6	2,0
Нов деворининг баландлиги $H=(1.5-2)b$ , м	0,4	0,65	0,7	0,8	0,9	1,0	1,2	1,5
Остонанинг баландлиги $P \geq 0,5$ $H_{max}(H_{max} \leq 0,8H_l)$ , м	0,16	0,26	0,28	0,32	0,40	0,40	0,40	0,50
Сув сарфи $Q$ , $m^3/c$	0,05	0,16	0,29	0,56	0,92	1,06	1,22	2,14
Сув сатҳи, $H_{max}$ , м	0,25	0,40	0,50	0,65	0,80	0,80	0,80	1,0



а) гидропост схемасининг бўйлама кесими



б) гидропостнинг план -схемаси

7 – расм - “САНИИРИ нови” асосидаги гидропостнинг бўйлама қирқим ва план-схемаси

“САНИИРИ нови” асосидаги гидропостдан оқиб ўтаётган сувнинг сарфи ( $Q$ ) сув оқимининг нов олдидаги сатҳи ( $H$ ) асосида қуийдаги тенглик ёрдамида ҳисоблаб аниқланади:

$$Q = 0,5 b_l \sqrt{2 g H}$$

бу ерда:  $b_l$  – сувнинг новнинг сув оқиб чиқадиган қисми кенглиги, м;

$H$  - сув оқимининг нов олдидаги сатҳи қиймати, м.

“САНИИРИ нови” асосидаги гидропостдан фойдаланишни осонлаштириш учун сув сарфларининг ўлчанадиган сув сатҳларига (см) мос келувчи қийматлари (л/с) аввалдан ишлаб чиқиладиган жадвалда келтирилади (4-жадвал).

4 – жадвал - “САНИИРИ нови” нинг сув сарфлари қийматлари (л/с)


Сув сатҳи, см	Нов чиқиш қисмининг кенглиги (b), см						
	20	30	40	50	60	70	80
1	0,34	0,51	0,68				
2	1,00	1,49	1,99				
3	1,87	2,80	3,73				
4	2,91	4,37	5,83				
5	4,12	6,18	8,24	10,30	12,36	14,42	16,48
6	5,46	8,20	10,93	13,66	16,39	19,13	21,86
7	6,94	10,41	13,88	17,35	20,82	24,29	27,76
8	8,54	12,80	17,07	21,34	25,61	29,87	34,14
9	10,25	15,37	20,49	25,61	30,74	35,86	40,98
10	12,06	18,09	24,13	30,16	36,19	42,22	48,25
11	13,98	20,97	27,97	34,96	41,95	48,94	55,93
12	16,00	24,00	32,00	40,01	48,01	56,01	64,01
13	18,12	27,17	36,23	45,29	54,35	63,41	72,46
14	20,32	30,48	40,64	50,80	60,96	71,12	81,28
15	22,61	33,92	45,23	56,54	67,84	79,15	90,46
16	24,99	37,49	49,99	62,48	74,98	87,48	99,97
17	27,46	41,18	54,91	68,64	82,37	96,10	109,82
18	30,00	45,00	60,00	75,00	90,00	105,00	120,00
19	32,62	48,93	65,24	81,56	97,87	114,18	130,49
20	35,32	52,98	70,64	88,30	105,96	123,63	141,29
21	38,10	57,14	76,19	95,24	114,29	133,34	152,39
22	40,94	61,42	81,89	102,36	122,83	143,31	163,78
23	43,87	65,80	87,73	109,66	131,60	153,53	175,46
24	46,86	70,28	93,71	117,14	140,57	164,00	187,43
25	49,92	74,88	99,83	124,79	149,75	174,71	199,67
26		79,57	106,09	132,61	159,14	185,66	212,18
27		84,36	112,48	140,60	168,72	196,85	224,97
28		89,25	119,01	148,76	178,51	208,26	238,01
29		94,24	125,66	157,07	188,49	219,90	251,32
30		99,33	132,44	165,55	198,66	231,77	264,88
31		104,51	139,34	174,18	209,01	243,85	278,69
32		109,78	146,37	182,96	219,56	256,15	292,74
33		115,14	153,52	191,90	230,28	268,66	307,04
34		120,59	160,79	200,99	241,19	281,39	321,59
35		126,14	168,18	210,23	252,27	294,32	336,36

#### 4. Ўзгармас ўзан типидаги гидропост


Ўзгармас ўзан типидаги гидропостлар одатда ўзанининг кесими ўзгармайдиган каналларда ташкил қилинади.

Ўзгармас ўзан типидаги гидропост ташкил қилинадиган жойда канал ўзани одатда бетон, тахта ва тошлар каби мустаҳкам материаллар билан қопланган бўлади. Бунда сув оқими канал ўзанининг ўзгармас қисмига тўғри оқиб киришини таъминлаш талаб қилинади.

Ўзгармас ўзан типидаги гидропостларни канал узунлигининг  $(6 \div 10) * b$  дан кам бўлмаган тўғри чизиқли қисмида ташкил қилинадиган тури амалиётда кенг қўлланилади (8-расм).



*a) гидропостнинг план-схемаси*



*б) гидропостнинг бўйлама қирқими  
8 - расм - Ўзгармас ўзан типидаги гидропост*

Белгилашлар:

$L_t$  – ўзгармас ўзан типидаги гидропостнинг умумий узунлиги;

$B$  – гидропост (канал) юқори қисмининг кенглиги;

$b$  – гидропост (канал) тубининг кенглиги;

$H$  – гидропостдаги сув сатҳи;

РГ – гидропостдаги (канал) сув сатҳини ўлчаш рейкаси.

Ўзгармас ўзан типидаги гидропостни қуришда:

- каналнинг ўзгармас ўзан (гидропост) қисмида сув оқимиға таъсир қилувчи тўсиқлар (устун, бурилиш, тош ва бошқалар) бўлмаслиги;
- сув ўлчаш рейкаси махсус чуқурчада ўрнатилган бўлиши;
- рейканинг “ноль” белгиси канал туби билан бир хил бўлиши;
- гидропост ўзанини тоза ҳолатда эканлигига алоҳида эътибор қаратилади.


Ўзгармас ўзан типидаги гидропостни қуриш якунлангандан кейин уни градуировкаланади.

Градуировкалашнинг мақсади гидропостдаги сув сарфини ( $Q$ , л/с) сув сатхининг ( $H$ , см) ўзгаришларига боғлиқлигини аниқлаштириш ва боғлиқлик графигини ( $Q = f(H)$  ни) тузишдан иборат.

Ўзгармас ўзан типидаги гидропостни градуировкалаш сув хўжалиги эксплуатация ташкилотининг гидрометри ва метрология маркази мутахассислари томонидан биргаликда амалга оширилади.

Сув сарфининг ўзгариши қийматларини сув сатхининг турли кўрсаткичларида камида 5 – 6 марта қайта ўлчаб аниқлаштирилади.

Гидропостни градуировкалаш натижалари асосида градуировкалаш бўйича қарор ва  $Q = f(H)$  графиги тузилади ҳамда метрологик ташкилот муҳри билан тасдиқланади (9-расм).



9-расм - Сув сарфининг сув сатхига боғлиқлик ( $Q = f(H)$ ) графиги

## Параболик нов кўринишидаги ўзгармас ўзан

Баъзи сув истеъмолчилари уюшмаларининг ички суғориш тармоқлари ЛР-40, ЛР-60, ЛР-80 ва ЛР-100 маркадаги параболик новлардан қурилган.

Параболик новлар ўзгармас ўзаннинг юқори аниқлиқдаги тури бўлиб, улардан гидропост сифатида фойдаланса бўлади. Бунинг учун новнинг битта секцияси сув сатҳини ўлчаш рейкаси билан жиҳозланади ва унда сув сарфини ўлчаш нуқтаси белгиланади. Сув сарфини ўлчашни осонлаштириш учун гидропост градуировкаланади, яъни унинг учун  $Q = f(H)$  боғлиқлиги тузилади.

Амалиётда параболик нов тармоқларининг ер юзасига ўрнатилган ёки ер юзасидан маълум баландликка кўтарилиб қурилган кўринишлари қўлланилади. Бу кўринишларнинг ҳар бирида сув сатҳини ўлчовчи рейкалар ўзига хос ҳолатда ўрнатилади.

Агар нов тизими ер юзасига (новнинг тепаси ер сатҳи билан бир хил баландликда) ўрнатилган бўлса сув сатҳини ўлчовчи рейка нов тармоғи ёнида ташкил қилинган қудуқчага тик ҳолатда ўрнатилади (10 а –расм).

Агар нов тизими ердан кўтарилиган ҳолатда ўрнатилган бўлса нов деворининг ички қисмига трафарет ёрдамида сувда ювилмайдиган бўёқ ёрдамида сатҳ ўлчовчи рейка чизилади (10 б-расм).



а) ер юзасига ўрнатилган нов




б) ер юзасидан баландда ўрнатилган нов

10-расм – Градуировкаланган параболик нов асосидаги гидропост

Новдан оқаётган сувнинг сарфини аниқлаш учун новдаги сувнининг сатҳи ўлчанади ва оқимининг тезлиги аниқланади.

Бунинг учун рейка ўрнатилган створда сув оқимининг тезлиги ўлчанади. Сув оқимининг тезлиги гидрометрик вертушка ёки тезлик ўлчовчи бошқа асбоб ёрдамида - бир нуқтада – сув оқими сатҳининг 0,6 Н қийматга teng чукурлигига (САНИИРИ тавсиясига кўра бир нуқтали) 6-9 марта ўлчанади (11-расм).



11-расм – Параболик новда сув тезлигини ўлчаш нуқтаси

Сув оқимининг тезлиги ва сатҳининг ўлчангандай қийматлари асосида нов ичидаги оқаётган сувнинг сарфи аниқланади.

Сувнинг сарфи аниқлаш учун:

$$Q = K * h * 2\sqrt{2Ph} * V_{0,6}, \text{ (л/c)}$$

бу ерда,

$K$  – доимий коэффицент, ЛР-40, 60, 80 новлар учун  $K=0,565$ ;

ЛР-100 нови учун  $P=0,59$ .

$P$  – новнинг кўрсакичи, ЛР-40, 60, 80 новлар учун  $P=0,2$ ;

ЛР-100 нови учун  $P=0,35$ .

Параболик нов кўринишидаги гидропостни градуировкалаш натижалари асосида  $Q = f(H)$  графиги тузилади ва градуировкалаш бўйича қарор чиқарилади ҳамда уни метрологик ташкилот мухри билан тасдиқланади.

Параболик нов кўринишидаги гидропостдан фойдаланиш давомида гидропостни доимо тоза (лойқа ва ўсимлик қолдиқларидан ҳоли) бўлишига алоҳида эътибор қаратилади ҳамда унинг  $Q = f(H)$  графиги вақти-вақти билан текшириб турилади.

## **5. Сув етказиб бериш тармоғида (каналда) гидропост қуриш**

### **Каналнинг гидропост қуриладиган жойини (створни) танлаш**

Каналдаги сувнинг ҳаракатланиш тезлиги канал тубининг нишаблигига боғлиқ бўлиб, текис (барқарор) ва нотекис (бекарор) ҳолатларда бўлади.

Каналдаги сув оқимининг барқарорлигига одатда канал ўзанидаги паст-баландликлар (ювилган ёки лойқа йиғилиб кўтарилигандаги жойлар) таъсир қиласи. Бундай ҳолатлар бўлмагандаги сув сокин ва текис оқади. Натижада сувнинг сарфи, ҳаракатланиш тезлиги ва йўналиши вақт давомида ўзгармайди, яъни сув оқими барқарор бўлади. Бундай шароитда ташкил қилинадиган гидропост створидан ўтувчи сув сарфи билан сув сатҳи орасидаги боғлиқлик  $Q = f(H)$  тенглик ёрдамида ифодаланади.

Канал ўзанида паст-баландликлар (ювилган ёки лойқа тўпланиб кўтарилигандаги жойлар) мавжуд бўлганда каналдаги сувнинг оқиши бир текис бўлмайди. Бунда сувнинг сарфи, ҳаракатланиш тезлиги ва йўналиши доимий равишда бетартиб ўзгариб туради, яъни сувнинг оқими бекарор бўлади. Бундай шароитда қуриладиган гидропост створидан ўтувчи сув сарфи билан сув сатҳи орасидаги боғлиқликни  $Q = f(H)$  тенглик ёрдамида ифодалаб бўлмайди.

Қайд этилган ҳолатларни инобатга олган тарзда, гидропост қуриш учун сувнинг оқими барқарор бўлган қисм танланади ёки гидропост қуриладиган қисмда сувнинг оқимини барқарорлаштирувчи тадбирлар аввалдан амалга оширилади.

Каналнинг гидропост қуриладиган қисми аввало визуал баҳоланади, бунда сув оқимининг барқарорлигига алоҳида эътибор қаратилади. Гидропост қуриш учун мўлжалланган қисмидаги сув оқими ҳаракати текис ва сокин бўлиши лозим.

Каналнинг гидропост қуриш учун мўлжалланган қисми тўғри чизиқли, узунлиги эса  $L = (6-10)*b$  дан кам бўлмаслиги керак.

бу ерда,  $b$  – канал тубининг кенглиги, метр.

Гидропостни каналнинг тўғри чизиқли қисмида танланган бўлакнинг ўртасида ёки оқим бўйича пастроқда ( $I=0,5\div0,7*L$  масофада) бўлиши тавсия қилинади (12-расм).



12-расм - Каналнинг гидропост қуриладиган қисмини белгилаш

Каналнинг нишаблиги кам, лойқа йиғиладиган, турли сув ўтлари мавжуд ва сув оқими турғун бўлган қисмида гидропост қуриш тавсия қилинмайди.

#### **Канал ўзанининг танланган қисмини гидропост қуришга тайёрлаш**

Канал ўзанининг гидропост қуриш учун танланган қисми  $L = (6-10)*b$  дан кам бўлмаган узунликда чўкиндилар ва ўсимликлардан тозаланади (13-расм).

бу ерда  $b$  – канал тубининг ўртача кенглиги.



13-расм - Каналнинг гидропост қуриладиган ўзанини тозалаш

Каналнинг гидропост қуриладиган қисми тўғри қилиб текисланади. Канал текисланган қисмининг бошида, охирида ва ўзани ўртасида кўрсаткич қозиклари ўрнатилади.

Сув ўлчаш воситаси ўрнатиладиган жойда (узунлиги  $l = 0,5\text{-}0,7*L$  масофада) пойдевор сифатида тош қатлами (10 см қалинликда) ётқизилади (14-расм).



14-расм - Каналнинг гидропост қуриладиган қисмига тош ётқизиш  
**САНИИРИ** сув ўлчаш новини қуриш

САНИИРИ сув ўлчаш нови махсус темир қолип ёрдамида қурилади.

Бунда аввало канал ўзанига ўрнатилган кўрсаткич қозиклар бўйлаб ўқ тортилади. Темир қолипнинг кириш қисми ўққа перпендикуляр кўринишда канал ўзанига ўрнатилади (15-расм).



15-расм – САНИИРИ нови темир қолипини канал ўзанига ўрнатиш  
Темир қолип олди қисмининг ичига сув сатҳини ўлчовчи рейка (РГ-0,5) ўрнатилади ва қолип ичига бетон қориши меси қуюлади. Қолипга бетон қориши меси билан биргаликда йирик тошларни ташлаш қориши мани камроқ сарфланиши учун хизмат қиласи.

Каналнинг темир қолип ўрнатиладиган нуқтасига сув келувчи ва сув кетувчи қисмларининг ёнбағирлари ва тубларига 10 см қалинликда бетон қориши маси ётқизилиб бетонланади (16-расм).



*16-расм – Сув ўлчаш воситаси қуриладиган жойда канал туби ва ёнбағрини бетонлаш*

Сувни бир нечта даханаға тақсимлаш талаб қилинадиган ҳолатларда, гидропост олдида түсүвчи девор қуриш тавсия этилади. Түсүвчи деворда сув оқимини ростловчи дарвозани ўрнатиш учун ариқча шаклидаги ўйиқ кўзда тутилади (17-расм).



Түсүвчи деворда  
дарвоза ўрнатиш  
учун мўлжалланган  
ўйиқ ариқча

*17-расм – Сув ўлчаш воситаси қурилган жойдаги түсүвчи девор*

Бетон ишлари якунлангандан бир сутка ўтгач сув ўлчаш қурилмаси ва түсүвчи деворларнинг қолиплари ажратиб олинади.

САНИИРИ нови остонасига рейканинг ноль сатҳи (кўрсаткичи) бўйича бетон қўйиш ва гидропостнинг барча қурилиш чоклари ва бетондан ишланган ёнбағирларига цемент қориши маси билан ишлов бериш тавсия қилинади.

## **Бетон қоришмасини тайёрлаш**

Гидротехник иншоотлар, шу жумладан сув ўлчаш гидропостларини қуришда асосан бетон қоришмаси ишлатилади.

Бетон қоришмасининг асосини цемент, қум, сув ташкил қиласди. Бунда ўртача йириклиқдаги тоза ювилган қумдан фойдаланилади.

Бетон қоришмасини пишиқ ва чидамли бўлиши учун унга тўлдирувчилар - тош ёки шағал аралашмаси қўшилади. Аралашмани тайёрлашда ўлчамлари 5 см дан 8 см гача тошлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Бетон қоришмасини тайёрлаш учун маълум нисбатда олинган цемент, қум ва тошлар аралашмасига сув қўшилиб яхшилаб аралаштирилади. Бунда 200-250 маркадаги цемент ишлатилади. Қоришмани тайёрлаш учун 1 қисм цемент, 2 қисм қум ва 3 қисм тошлар ўзаро қўшилиб аралаштирилади. Тайёр бўлган аралашмага сув қўшиб яна аралаштирилади. Қўшиладиган сувнинг миқдори цемент миқдорининг 40-50 %ига teng бўлиши тавсия қилинади (мисол, 50 кг цементга 20 литр ёки 10 қисм цементга 6 қисм сув қўшилади).

Тайёр бўлган қоришка бир соатдан ошмаган вақт ичида аввалдан ўрнатилган темир қолип ичига қўйилади.

Қолипга қўйилган бетон қоришмаси одатда 30-40 минут ичида қотишни бошлайди. Шунинг учун бетон қоришмасини бир соат ичида тўлиқ ишлатилиб бўлинадиган миқдорда тайёрлаш тавсия қилинади.

Қориshmада ишлатиладиган цемент ва сув миқдорларининг тўғри танланиши бетоннинг пишиқ ва мустаҳкам, сувнинг таъсирига чидамли бўлишини белгиловчи омиллар саналади. Қоришмани тайёрлашда сув кўп ишлатилган бўлса бетоннинг мустаҳкамлиги пасайиб кетади.

Қўйилган бетон қотиши учун қолип бир суткага тинч қўйилади. Бетон қотганидан кейин қолипни осон чиқариб олиниши учун бетон қоришмасини қўйишдан аввал қолип деворларининг ички қисмига машина мойи суртилади.

Бетон қатлами қалин (30 см дан күп) ва қолип чуқур бўлганда, қолипнинг бурчакларини яхши тўлдириш учун аралашмани белкурак ёки узун қозиқ ёрдамида шиббаланади. Бетон қуйилганидан бир неча соат ўтгач, унинг юзаси темир белча ёки ёғоч андава билан силлиқлаб қўйилади.

Бетон юзасини ёрилиб кетмаслиги учун унга вақти-вақти билан сув сепиб турилади ёки усти полэтилен плёнка билан ёпиб қўйилади.

### **Гидропост қуришда ишлатиладиган асбоб-ускуналар**

Сув ўлчаш воситасини ўрнатишда маълум турдаги асбоб-ускуналар ишлатилади. Уларнинг рўйхати 5-жадвалда келтирилган.

**5-жадвал - Сув ўлчаш воситасини ўрнатиш давомида ишлатиладиган асбоблар рўйхати**

T/p	Асбоб-ускуна номи	Сони, дона	Бажариладиган иш
1.	Белкурак (учли)	2	Канал туби ва ёнбағирлари юзасини текислаш
2.	Белкурак (япалоқ)	2	Бетон қоришимасини аралаштириш ва тупроқ ишларини бажариш
3.	Челак (10 л)	1	Бетон қоришимасини тайёрлашда ишлатиладиган сувни ташиш
4.	Ўлчаш рулеткаси (5 м)	1	Узунликни аниқ ўлчаш
5.	Қозиқ (0.6 м)	2	Канал ўқини тўғри белгилаш
6.	Арқон (10 м)	1	Қолип ўрнатиладиган жойни аниқ белгилаш ва марказга тўғрилаш
7.	Ёғоч тахтacha (рейка, 2 м)	1	Каналнинг бетон қопланган қисми деворларининг қирралари ва ёнбағирларини тўғрилаш
8.	Ёғоч тахтacha	1	Сувоқ қилиш ва бетон юзасини текислаш
9.	Қурилиш шайтони	1	Сув ўлчаш қурилмаси остонаси ҳамда қолипни текис ӯрнатиш
10.	Сувоқ белчаси (андава, мастерок)	1	Бетон юзасини текислаш
11.	Ёрдамчи асбоблар	1	Болға,arra, пичоқ каби асбоблар, майда ишларни бажариш

## **6. Гидропостни ҳужжатлаштириш ва аттестациядан ўтказиш**

Сув етказиб бериш тармоғида янгидан қурилган гидропостни унга сув оқизиб ишлатиб кўрилади. Бунда гидропост иншоотининг ёнларидан сув сизиб чиқмаётганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Сув тўғри оқаётганлиги кузатилгандан кейин гидропостда сув сарфини ўлчаш тўғри бажарилаётганлиги текширилади. Бўнинг учун одатда стандарт сув ўлчаш воситаларидан фойдаланилади ва ўлчашлар натижалари солиштириб текширилади.

“САНИИРИ нови” ва ўзгармас ўзан типидаги гидропостлар учун сув сарфи графиклари -  $Q = f(H)$  тузилади, яъни гидропостлар градуировкаланади.

Гидропост тўғри ишлаётганлигига ишонч ҳосил қилинганидан кейин унинг ҳужжатлари ишлаб чиқилади ва аттестациядан ўтказилади. Бўнинг учун:

- ✓ гидропостдаги сув ўлчаш воситасини градуировка қилинганлиги тўғрисида далолатнома (1-илова);
- ✓ сув сарфини ўлчаш воситасининг техник паспорти (2-илова) каби ҳужжатлар тақдим қилинади.

Тақдим қилинган ҳужжатлар гидропостга сертификат (метрологик аттестациядан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) бериш учун асос бўлади.

Аввалдан ишлатиб келинаётган гидропостларни маълум муддатларда давлат стандартлаштириш агентлигининг махсус рухсатномасига эга бўлган ташкилотларнинг мутахассислари томонидан қайтадан метрологик аттестациядан ўтказиб турилади.

Жўмладан,

- ✓ оддий сатҳ ўлчаш воситали гидропостларни – 3 йилда 1 марта;
- ✓ юпқа деворли водослив (Томсон, Чиполетти, Иванов) асосидаги гидропостларни – 2 йилда 1 марта;
- ✓ сув ўлчаш нови ва ўзгармас ўзан асосидаги гидропостларни – ҳар йили 1 марта метрологик аттестациядан ўтказиш тавсия қилинади.

## ИЛОВАЛАР

1-илова

“КЕЛИШИЛДИ”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

**Сув сарфини ўлчаш воситасини градуировка қилингандык түрлүсүндө**

### ДАЛОЛАТНОМА

Биз, қуйида имзо чекувчилар

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да

каналининг \_\_\_\_\_ гидропостида ўрнатылган сув сарфини ўлчаш  
воситасини \_\_\_\_\_ усулида градуировкаладик.

Градуировкалашда \_\_\_\_\_ каналидан  
масофада жойлашган гидрометрик створдан фойдаланилди.

Сув сарфини ўлчаш 20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да қиёслашдан  
үтказилган \_\_\_\_\_ турдаги вертушка ёрдамида  
гидрометрик створнинг \_\_\_\_\_ та тик чизиги (вертикали)да  
нуктали усулда бажарилди.

Градуировкалаш шартлари: \_\_\_\_\_

Градуировкалаш натижалари \_\_\_\_\_ илова қилинади.

Градуировкалаш натижалари бүйича ўртача арифметик хатолик \_\_\_\_\_ %.

Хулоса \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

имзолар:

Метрологик хизмат қиёсловчиси

Иrrigation тизими бошқармаси гидротехники

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**

**ГИДРОПОСТНИНГ ТЕХНИК ПАСПОРТИ**

(гидропост ёки каналнинг номи)

(гидропостнинг вазифаси)

(гидропостнинг жойлашиши ва бошқа асосий маълумотлар)

Гидропост \_\_\_\_\_ йилда ўрнатилган.

Жойлашиш чизмаси \_\_\_\_\_ иловада келтирилган.

Гидропостнинг смета ва ҳақиқий нархи \_\_\_\_\_

Сув сарфи, м<sup>3</sup>/с \_\_\_\_\_

Курилиш чукурлиги, м \_\_\_\_\_

Тубининг эни, м \_\_\_\_\_

Юқори қисмининг эни, м \_\_\_\_\_

Ён деворларининг қиялиги \_\_\_\_\_

Хўлланган кесим юзаси, м<sup>2</sup> \_\_\_\_\_

Энг кўп (максимал) тўлалик, м \_\_\_\_\_

Энг кам (минимал) тўлалик, м \_\_\_\_\_

Сув оқимининг энг юқори (максимал) тезлиги, м/с \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_ йил "\_\_\_\_"

имзолар:

Метрологик хизмат қиёсловчиси \_\_\_\_\_

Иrrигация тизими бошқармаси гидротехники \_\_\_\_\_

## **М У Н Д А Р И Ж А**

1.	Сув етказиб бериш тармоғида ташкил қилинадиган гидропостда ўрнатиладиган сув ўлчаш воситасини танлаш....	3
2.	Юпқа деворли водослив кўринишидаги гидропост.....	4
3.	“САНИИРИ нови” асосидаги гидропост.....	9
4.	Ўзгармас ўзан типидаги гидропост.....	12
5.	Сув етказиб бериш тармоғида (каналда) гидропост қуриш.....	17
6.	Гидропостни ҳужжатлаштириш ва аттестациядан ўтказиш.....	23
 <b>Иловалар</b>		
1-илова	Сув сарфини ўлчаш воситасининг градуировка қилинганилиги тўғрисида далолатнома.....	24
2-илова	Гидропостнинг техник паспорти.....	25

# **“Сув истеъмолчилари уюшмаларида сув ўлчаш гидропостларини ташкил қилиш бўйича қўлланма”**

Қўлланма Давлатлараро Сув хўжалигини Мувофиқлаштириш Комиссияси Илмий ахборот маркази (ДСХМК ИАМ) томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар натижаси сифатида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг  
Сув хўжалиги Бош бошқармаси томонидан  
Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида фойдаланиш учун  
тавсия қилинган

**ДАВЛАТЛАРАРО СУВ ХЎЖАЛИГИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ  
КОМИССИЯСИ ИЛМИЙ АХБОРОТ МАРКАЗИ (НИЦ МКВК)**

Директор: Духовний В.А. – техника фанлари доктори, профессор

Манзил: Тошкент шаҳри, Асака кўчаси, 3-уй,  
Тел: (+998) (71) 2689723  
(+998) (71) 2689670